



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021-yil "30" aprel

Қ-339 -сон

Termiz sh.

**Термиз тумани "Сурхон Дўстлик сархади" массиви "Солиобод" маҳалласи худудидан "TURSUNTOSH PARRANDA" МЧЖга "Паррандачилик комплекси" қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 12 апрелдаги 02-03/289-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 29 мартдаги 40-сон хулосаси, Термиз тумани ҳокимининг 2021 йил 13 мартдаги 01-08/50-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Термиз тумани "Сурхон Дўстлик сархади" массиви "Солиобод" маҳалласи худудидан "TURSUNTOSH PARRANDA" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 88қ-дала контуридаги 4,0 гектар яйлов ер майдони "Паррандачилик комплекси" қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "TURSUNTOSH PARRANDA" МЧЖ 4,0 гектар яйлов ер майдонида "Паррандачилик комплекси" қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 61 033 840 (олтмиш бир миллион ўттиз уч минг саккиз юз қирқ) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини

доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**